

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ: БАЗЕЛ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАВСИЯЛАРИ

Маманов Сардоржон Собир ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши
курашиш агентиги бош инспектори,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада “комплаенс-назорат” тизимининг ривожланиши жараёни ва банк секторида жорий этилишининг ўзига хос хусусиятлари Европа ҳужжатлари, хусусан, Базел қўмитасининг тавсиялари асосида ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: банк ва хусусий сектори, халқаро стандарт, “комплаенс-назорат” тизими.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган ўзига хос халқаро ҳужжатлардан бири, “Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган “Банклардаги “комплаенс” функция тўғрисида” (янги таҳрирда)ги (**Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision**)” [1, электрон манба] ҳужжати ҳисобланади.

Мазкур тавсиялар банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига тааллуқли бўлиб, унда коррупция хавфларини камайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг фаолиятини ўрнатилган норма ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Базел тавсиялари ўзида коррупция хавфини юримдик жиҳатдан ўрнатилган ёки давлат органлари томонидан қўлланадиган молиявий санкция сифатида баҳолайди [2, электрон манба].

Базел тавсиялари ўзида “комплаенс-назорати” хизмати фаолиятини юритиш давомида унинг ваколат доирасига кирувчи масалаларнинг қатор рўйхатини белгилайди: унда қонунлар, ички ўрнатилган қоидалар, ҳуқ-атвор стандартларига мувофиқ ҳаракат қилиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, мижозларга тенглик асосида муносабат билдириш ҳамда мижозларга кўмак беришда адолатли ёндашувни жорий этиш, фаолият шаффофлигини жамоатчилик назорати элементлари асосида ташкил этиш, жиноий даромадлар ва терроризмни легаллаштиришга қарши курашиш, ходимларнинг белгиланган қонун ва қоидаларга риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириш каби фаолият йўналишлари белгиланган.

Айтиш лозимки, Базел тавсияларида банкларда “комплаенс-назорати” хизматининг мақомини белгилаш билан боғлиқ алоҳида тавсиялар мавжуд бўлиб, унда коррупциянинг олдини олиш фақатгина соҳа мутахассислари “комплаенс офицери” (compliance officer) вазифаси бўлиб қолиши керак эмас, балки банк бошқарув маданиятининг ажралмас қисми бўлиши керак, дейилади ва ушбу тартиб банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатида аниқ ўрнатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган **“Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида”**ги ҳужжати тавсияларида банк ва компанияларда комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ва комплаенс хизмати томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ташкил этишда қуйидаги тавсиялар келтириб ўтилади:

а) коррупцияга қарши “комплаенс-назорати” тузилмасининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколат доирасини аниқ белгилаш ва фаолияти мустақиллигини таъминлашга доир механизмларни яратиш;

b) “комплаенс-назорати” тузилмаси банкдаги бошқа таркибий тармоқлар, масалан, ички аудит хизмати ўртасидаги ички муносабатлар доирасини локал ҳужжатлар асосида аниқ белгилаш;

c) банкнинг турли бўлимлари томонидан “комплаенс” функцияларини бажариш ҳолатлари белгиланган бўлса, бунда раҳбарият томонидан улар ўртасидаги вазифаларни аниқ ажратиб ўтиш лозим бўлади, функцияларнинг бажарилиши асосан ушбу хизмат фаолияти этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки вазифаларнинг такрорланиши мазкур тузилманинг самарадорлиги ва мустақил фаолиятига таъсир қилади;

d) “комплаенс-назорати” тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш

ва ходимларининг коррупцияга оид маълумотларни тақдим этилишидаги ҳамкорлик қилиш мажбуриятини белгилаб олиш;

e) коррупциявий ҳолатлар юзасидан зарурий ҳужжатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз ижро органларига эркин тақдим этиш ва ошкор қилиш ҳуқуқини таъминлаш ҳамда коррупциявий ҳолатлар ҳақида раҳбариятга ҳисобот тақдим этиш;

f) “комплаенс-назорати” тузилмасининг раҳбариятга бўйсунтириш мақомини белигилаш” [3, Б. 32] каби қатор устувор вазифалар тавсия сифатида келтириб ўтилган.

Умуман олганда, Базел қўмитаси томонидан ташкилий шаклидан қатъий назар, барча шаклдаги ташкилот, корхоналар фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этишда таклиф этилаётган юқоридаги қоидалар унинг ўзига хослигини ҳам белгилаганлигини кўриш мумкин. Чунки, ҳужжат ушбу тавсиялар максимал даражада ихтисослашув асосида “комплаенс” тизимини самарали ташкил этишни назарда тутди.

Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, Базел қўмитасининг “Банклардаги “комплаенс” ва “комплаенс” функция тўғрисида”ги ҳужжатда тузилма фаолиятини ташкил этишдаги бир қатор самарали қоидаларни ўзида акс эттирган бўлишига қарамай, ундаги барча тартиб ва нормалар фақатгина тавсиявий аҳамиятга эга эканлиги билан чекланиб қолган.

Шундай бўлсада, бугунги кунда МДХга аъзо аксарият давлатларда банк иштирокчилари ушбу тавсиялар асосида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини белгилабгина қолмай, балки ўз фаолиятида “комплаенс-назорати” тизимини ташкил этишда ушбу қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилмоқда.

Мисол сифатида, халқаро иқтисодий капиталга эга бўлган **“Citibank”** ёки **“HSBC Holdings”** [4, электрон манба] каби банклар шулар жумласидандир. “Коррупцияга қарши курашишдаги кейинги энг асосий ҳужжат ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти (ISO 37001 Anti-bribery management systems)” [5, электрон манба] ҳисобланади. Маълумки, раҳбарият ўз ташкилотида ҳар бир ходим фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга ошира олмайди. Бунинг учун самарали тизим керак. Айнан бу каби омилларни олдини олиш ва фаолиятда мурасиз коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш мақсадида ISO 37001:2016 халқаро стандарти ишлаб чиқилган.

Халқаро эксперт **И.Бурдикова** стандартнинг мазмунини ёритар экан, қуйидагича ёндашади: ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” – ташкилотларда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва профилактик тизимини яратишнинг халқаро усуллари ўзида мужассам этган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир. Ушбу таъриф орқали тушуниш мумкинки, ушбу стандартнинг қўлланилиш доираси айнан бир жараёнда эмас, балки давлат, хусусий

ёки нотижорат сектор иштирокчилари фаолиятига жорий этилади ҳамда унинг асосий вазифаси тизимда таъсирчан коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этиш ҳисобланади.

Шунингдек, халқаро стандарт ва тавсиялар асосида компания раҳбарияти томонидан коррупцияга нисбатан мурасасизлик истагини шахсий намуна асосида жамоага намойиш этувчи **(tone at the tope)**, коррупция ҳолатлари юзага келишига нисбатан “0 (ноль)” даражадаги чидамлилиқ маданиятини шакллантириш **(zero tolerance to corruption)**, фаолиятни шаффоф ташкил этиш **(transparency)**, қонунбузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш сиёсати **(whistleblowing policy)**, учинчи томон шахсларнинг ишончилигини баҳолаш **(due diligence)**, комплаенс хизматининг фаолият юритиши учун жавобгар шахс **(compliance officer)**. Халқаро стандарт ва тавсияларда аксини топган коррупцияга қарши курашишга доир мазкур элементлар бевосита ва шу ўринда билвосита “комплаенс-назорат” тизимини қамраб олувчи таркибий қисмлари ҳисобланади.

Иктибослар/Сноски/References

1. Базел қўмитасининг 2005 йил 5 апрелдаги қабул қилган “Банклардаги “комплаенс” функция тўғрисида” (янги таҳрирда) Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision [Электрон манба]. URL: <https://www.bis.org/publ/bcbs113.htm>.

2. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба]. URL: https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf.

3. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков [Электрон манба]. URL: https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf.

4. Т.А.Хабриевой, А.В. Федорова Антикоррупционные стандарты Организации экономического сотрудничества и развития в Европе // монография, 2015.–с.74. [Электрон манба]. URL: <https://znanium.com>.

5. ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти // ISO 37001 Anti-bribery management systems [Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/iso-37001-anti-bribery-management.html>.